




ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 11 июнь № 24 (63) ● Нархи 10 сўм.



ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНГАНДА...

БУХОРОДА ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бугунги кунда янги алоқа биноларининг ишга туширилаётганлиги хусусидаги хушxabарлар нобди бўлиб қолди. «Турғунлик йиллари»даги бирор бир тантанали сана арасида қўлаб иншоотлар фойдаланишга топширилди. Бундай иморатлар қурувчиларнинг фидокорона меҳнати эвазига бунёд этиларди. Тан оладиган бўлсак, ўша йиллари қурилиш кулами ҳозирга қараганда бир мунча кенг эди.

Биргина Ўзбекистоннинг ўзида ҳар беш йилда мажуд телефон тармоқларининг қуввати икки баробар оширилди. Ана шундай суръат туфайли жумҳурият аҳолисининг ҳар юз нафаридан бири телефонли бўлишига эришилди. Аммо аҳоли сони тез суръатлар билан ўсиши боис алоқачилар жами хонадонларни телефонлаштиришга улгура олишмасди.

Афсуски, кейинги 2-3 йил ичинда алоқа корхоналарида капитал қурилиш борасида

жиддий ўзгариш юз бермаптир. Янги бинолар қурилмапти. Қурилиш бошланган биноларда эса иш тўхтатирилган. Бунинг боиси, шуки, кейинги вақтда интисодиётда юз бераётган бўҳронлар туфайли қурилиш материаллари таннархи қимматлашмоқда. Шартнома асосида бирор нима сотиб олиш кун сайин мураккаблашмаптир. Алоқачиларда эса маблағ йўн, банклар олинган қарз учун белгилаётган фоизларни тўлашга куч етмайди.

Алоқа корхоналари бунёд этишни халқ талабини қўпроқ қондириш, илмий-техникавий тараққиёт талаблари асосида қадам ташлагани ҳолда келажакка йўл очиб деб ҳисобламоқ даркор.

Мураккаб шароитда ҳам Ўзбекистон алоқачилари ўзларини йўқотиб қўйишмади. Алоқа вазирлиги раҳбарияти бундан 2-3 йил муқаддам шовишлич чоралар қўриб, юзага келган вазиятни ўнгаш тадбирларини қўллашга

киришганди. Алоқа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари кенгаши тузилиб, ягона Марказий жамғарма ташкил этилди. Унда жамланган маблағлар жумҳуриятдаги соҳага дахлдор бинолар қуришга сарфланди. Иложи борича МДХга аъзо бўлган давлатлардаги шериклар билан ҳамкорлик қилиш чоралари қўрилди. Бир қатор хорижий фирма ва компаниялар билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси унчаллик юқори бўлмаса ҳам, ҳар қалай, бир қатор алоқа бинолари ишга туширилмоқда. Тошкент шаҳрида ернинг сунъий йўлдоши билан алоқа боғловчи халқаро телефон станцияси ишга туширилгани ҳамда уяли радиоре алоқасидан фойдаланишга киришилгани қувонарли ҳолдир. Шунингдек, Самарқандда электрон АТС микроларга хизмат кўрсата бошлади.

Қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида ишлатилган электрон алоқаси ишлаб чиқариш корхонаси ва мутахассисларнинг гайрати ҳамда вилоят ҳокимияти ва Алоқа вазирлигининг ёрдами, қўллаб-қувватлаши туфайли кучли

Халқаро автоматик телефон станцияси ишга туширилди. Бу иншоот вилоят электр алоқаси корхонаси буюртмаси билан Краснодардаги «Инар» трести томонидан фойдаланишга топширилди. Уни маблағ билан таъминлаш Марказий жамғарма орқали амалга оширилди.

«Кварц» хилидаги замонавий ускуна тўла йиғилиб, микроларга хизмат кўрсатмоқда. Унинг қуввати вилоят марказида аҳоли талабини тўла қондиришга етади. Янги станция автоматик равишда вилоят, жумҳурият, хорижий давлатлар билан бир зумда алоқа боғлаш қувватига эга. Шаҳарларо ва халқаро алоқа боғловчи каналлар юқори сифат билан хизмат қилишга нафоланган. Энди Бухоро вилоятининг шаҳар ҳамда туманларидаги 100 минг нафар аҳоли сим орқали сўзлашишда мушкуллик сезмайди. «8» рақамини, ундан сўнг қўнғирқот қилинаётган шаҳар коди ва зарур рақам терилгач, кўп ўтмай ер юзининг исталган нуқта-си билан боғланиш мумкин.

— Станциядаги барча мураккаб ишларни электрон ҳисоблаш машиналари ба-

жаради, — дейди вилоят электр алоқаси корхонасининг бошлиғи И. Р. Чакидзе. — Ақлли машиналар бир зумда сўзлашув вақти, хизмат ҳақини ҳисоблаб беради. Замонавий техникани бекаму кўст ишлатишда цех бошлиғи А. Жўраев, катта муҳандис М. Раҳмонов корхона бош муҳандиси У. Тўхтаев, муҳандис О. Элизаза-ровларнинг хизмати каттадир. Янги станцияда ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Дам олиш ва чарқоқни йўқотиш хоналари мавжуддир. Таъбиий хизмат йўлга қўйилган.

Яқинда мазкур замонавий АТСни тўла қувват билан ишга туширишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вилоят ҳокими Д. С. Едгоров замонавий алоқа биносини бунёд этишда иштирок этган қурувчиларга, монтажчиларга миннатдорчилик билдирди. Алоқа вазирлиги ва вилоят ҳокимияти Халқаро автоматик телефон станцияси қурилишида алоқида ўрнак кўрсатганларни фахрий ёр-лиқлар билан мукофотлади.

А. КУДИНОВ

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР *

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Япониянинг мамлакатимиздаги факулдада ва мухтор бўлиши Укери Магосакени қабул қилди. Элчи ишонч эригини топишар экан, Япония ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун қўлдан келган ҳамма ишни амалга оширишни маълум қилди.

● Давлатимиз бошлиғи Нидерландлар Қироллиги Бош вазири жаноб Рудольф Любберсинг таклифи билан Нидерландлар Қироллигида расмий-амалий сафарда бўлди. Юқори даражадаги учрашувларда ҳар икки халқ ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

● Тошкентда «Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини иқтимоий ҳимоялаш» мавзусидаги миллий семинар бўлиб ўтди. Унинг қатнашчиларини Ўзбекистон Президенти таъриқлади.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Гонорерлар ва фахрий унванлар учун қўшимча ҳақ миқдорини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. У шу йил 1 июндан бошлаб кучга киради.

● Йил бошидан бери Ўзбекистондаги божхона хизмати томонидан давлат хазинасига тўрт миллиард уч юз миллион сўм ўтказилди.

● Андиқонда Туркиядан олиб келинган 15 та «Бельда» автобуслари қатъий бошлади. Шунингдек, Олмон ва Жанубий Кореядан ҳам йўловчилар ташинишга мўлжалланган машиналар олиб келинди.

● Тошкентдаги «Орзу» чарма-галантерезе фирмасининг маҳсулотлари Араб Амирикларида очилган савдо кўргазмасида намоён этила бошланди. Жаҳон бозорига Ўзбекистон маҳсулоти юқори баҳо олди.

● Олмаотада Орол ҳудуди муаммолари билан шуғулланувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Ҳукумат Оролни кутқариш борасидаги энг зарур юмушлар учун 10 миллиард сўм ажратди.

● Паланга шаҳрида яшовчи бир аёл ким ошди савдосида бу ердаги собиқ СССР ДХҚсининг дам олиш ўйини сотиб олди. Дастлаб 700 минг доллар деб баҳолаган бу бино 745 минг 500 долларга пулланди.

● Миср Араб жумҳурияти Президенти Х. Муборак Олмаота яқинида қад ростлайдиган Ислам ма-

данияти маркази қурилишига 5 миллион доллар ажратди. У замонавий меҳнат, тантанали қабул хонаси, ислом адабиётлари кутубхонасидан иборат бўлади. Шунингдек, замонавий касалхона ва араб мактаби очиб қўйди.

● Хабаровскдаги шахсий томорқа ҳўжайини 14 йил иқсирини отиб ўлдирди. Қотил нафақагўр бўлиб, маҳаллий болакларнинг редисга ўғирлаши жонига текча, жонигага қўл урган.

● Россия темир йўлларида юриш осон бўлмай қолди. Йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 11 минг марта юклар ўғирланган. Ана шу даврда 1,5 минг марта ўқ отиш қуроллари ишлатилган.

● Тожикистонда беқарорлик давом этмоқда. Ҳокимият вакиллари-нинг вазиятни ўнглаб, осойишталикни сақлаш борасидаги хатти-ҳаракати зое кетаётди. Республикадаги ҳудудий маҳаллийчилик иллатлари ҳамон ўз кучини кўрсатмоқда.

● Москвада «Китобни ҳимоя қилайлик» анжумани ўтказилди. Унда ўқилган маърузаларда таъкидланганича, кейинги икки йил ичида китоб чиқариш инқилобдан олдинги даражага тушиб қолган. Анжуман қатнашчиларига табрик йўллаган Россия Президенти китоб чоп этишни кескин яхшилашга ваъда берди. ● Озарбайжонда фуқаролар уруши бошлангач хавфи йўқ эмас. Танжанда юз берган қонли тўқнашув мустақил жумҳуриятдаги вазиятни яна мураккаблаштириб юборди.

БУГУНГИ СОНДА:

- БУХОРОНИ ЖАҲОН ЭШИТАДИ
- ГАЗЕТА СОТИШ АИБ ЭМАС
- МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ДОИМО

САФДА

- ЮЗТА БУЮК ШАХС ҚИМ?
- ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЙУҚОЛМА-СИН!

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- УМР ЛАҲЗАЛАРИ
- НЕГА РАДИО ГАПИРМАЙДИ?
- ОЛАМНИНГ БУТУНЛИГИ
- ҚАРС ИККИ ҚўЛДАН...
- КУНГИЛ НАВОСИ УНАСИН



• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти? •

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИ

Яхшиямки орамизда ҳақиқий инсонлар бор. Улар халқ манфаатини ҳаммадан устун қўйишади. Бундайларни элу-юрт доимо қадрлаб келади.

«Нурриддинжон, анча тетижман, 2-3 кундан сўнг еоғаяман. Сен, ўғлим, газета-журналларни, хатларни ағаларига кечиктирмай тарқатгин. Бу қорозлар миллионлаб инсонларнинг тақдирини боғлайди. Шундай қил, болам, тезроқ тарқатгин». Ҳа, Парда Абраев бемор ҳолида ҳам ўз ишидан ташвишда.

Парда ана Қамиша тумани, «Лангар» жамоа хўжалигидаги «Довуд» алоқа бўлими бошлиғи. У ҳар кун 700 онлага бир ўзи газет-журналлар, хат-хабарлар улашади.

Почтачи одамлар дарди билан яшайдиган инсон П. Абраев йигитлик бурчини адо этиб, ҳарбий хизмат-

дан қайтгач, Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Ўқишни тамомлагач, «Довуд» алоқа бўлимида ишлаш бошлади. Унинг тақдир қишлоқ хўжалигига эмас, балки алоқа хизматига боғланган экан. Мана, 20 йилдирки, алоқа ходими сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Инсоннинг мустақил фикр юритиши унинг дунёқарашига боғлиқ. Бу фикр Парда ака онгда йиллар давомида шаклланиб борди. Почтачи хизмат кўрсатадиган қишлоқлар бир-биридан қир-адирлар, қоялар, сойлар билан ажралиб туради. 20 йил мобайнида қишин-ёзин демай халқга хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Н. НОМОЗОВ,
Қамиша туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси
Қашқадарё вилояти

Равшаной Аҳмедова 23 йилдан бери алоқачилик касбини удуғлаб келади. Айни кунларда у Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Марказий алоқа бўлимида меҳнат қилиб, мижозларга беминнат хизмат кўрсатишда. Туман аҳолисини жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқлари билан сим орқали боғлаб, уларнинг олқишига сазовор бўлаётган.

СУРАТДА: Р. Аҳмедова шогирди Т. Галлоладовага касб сирларини ўргатмоқда.

Суратқаш У. ҚҶШВОҚОВ

БИРИНЧИ ТЕЛЕФОНХОНА

Антарктидада ilk бор сўзлашув хонаси очилди. Чили аенаманзилгоҳидаги назкур телефон станциясида нафақат чилилик кутубчилар, балки яқин атрофда яшайдиган қишлоқликлар олиб боришга рус, хитой ва поляк олимлари ҳам фойдаланиши мумкин.

• Акс-саго

ЗИЁНИ КЎП БЎЛДИ

«Кимга фойда-ю, кимга зиён» («Хабар», 1993 йил 12 апрель) мақоласини ўқиб, ўйлашиб қолдим. Унда ҳақ гаплар айтилган. Халққа зиён бўлди...

Мен ҳар ойда икки миллионга яқин пул тарқатаман. Яна, газета-журналлар, хат, шошилиқномаларни ўз вақтида ағаларига етказиб бераман. Хонадонлар қандай жойлашган, уларда кимлар яшайди — яхши биламан. Муҳими, барча юмушни эплай оламан. Ижтимоий таъминот бўлими қошидаги кичик корхона ходими эса ўн

кун мобайнида пул тарқатиб, қолган кунларда бекор юради. У шунинг учун маош олади. Бу ҳам майли, худди шу ходим ўрнига бир қанча ишларни бир йўла удалайдиган почтачилар ишсиз қолди. Оқибатни кўриб турибсиз — нафақахўрнинг фиғони фалақда.

Хуллас, бу хилдаги кичик корхоналар зиён келтиришдан бошқага ярамайди...

Олоёр ҲИДИРОВ,
Сурхондарё вилояти,
Сарносик туманидаги
«Тешакчинор» алоқа бўлими почтачиси

ДЎКОН ОЛДИ ҲАМИША ГАВЖУМ

— Матбуот воситалари билан савдо қилувчи дўконлар иши ҳам анча қийинлашиб қолди,— дейди Косон тумани алоқа боғламасига қарашли 2-дўкон сотувчиси Насиба Нежимова.— Рўзнома ва ойномаларнинг баҳоси қимметлашиб кетди, ҳаридорлар сони аввалгига нисбатан бирмунча камайиб кетди. Шунинг учун биз дўконда фақат кундалик нашрлар билан савдо қилиб ўтирмасдан, турли хил бадий адабиётлар, мактаб ўқувчилари учун зарур ўқув қуроллари, рангли суратлар ва бошқа шу каби нарсалар билан ҳам савдо қилишни йўлга қўймоқдамиз. Хуллас, қандай бўлсин, белгиланган савдо режимида ошириб бўлмасда, юз фоизга удаллашмиш. Шаҳсан мен ўзим ҳар ойда эллик минг сўмлик савдо қилиб, топшириқни тўлиқ адо этайман.

— Ҳамкасбим тўғри айтаяпти,— деб сўзбтага қўшилди 3-дўкон сотувчиси Ибодат Шаронова.— Бу бозор муносабати матбуот савдосига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу бос, кўпгина матбуот нашрлари билан савдо қилувчи дўконлар бугунги кунга келиб отторнинг қўтисига айланиб қолди. Ҳарқалай, бизда унчалик эмас. Қиммат бўлсада, рўзнома ва ойномалар харид қилувчи дониш мижозларимиз бор. Ҳар қандай шартда ҳам ҳамюртларимиз матбуотдан кўнгил узмишган. Бизда ай-

ниқса, ҳукумат қарорлари, фармоишлари, муҳим янгиликлар эълон қилинган рўзномалар талаш бўлиб кетади. Кейинги пайдада бир қатор ҳафталикларнинг ташкил этилиши бизнинг савдонизга ҳам ривож бўлди.

Жойлардан тушган буюртмалар асосида газета ва журнал юборувчиларга бир таклифимиз бор: харидорнинг матбуот нашрларига обун қабул қилишда дўкон сотувчиларининг фикрлари ҳам инобатга олинса, эл севиб ўқийдиган рўзнома ва ойномалар сотувга кўпроқ чиқарилса айни мудоо бўларди. Шундай қилинса, 50 минг сўмлик режани зўр-базўр удаллаб ўтирмасдан, уни ошириб бажаришга эришган бўлардик.

Косонлик матбуот тарқатувчиларнинг фикрини қўллаш куватлаш лозим. Чунки муштарийларнинг ҳаммаси ҳам ўзи ёқтирган нашр учун бир йиллик обунани расмийлаштириш имконига эга эмас. У ҳар кун ўзи истаган газетани ёки журнални харид қилишни истамайди. Демак, дўконлар орқали сотиладиган матбуот нашрлари сонини кескин кўпайтириш вақти келди. Бу шунча мутасадди бўлганлар эса имкониятини бой бермаслигини лозим. Имонимиз комилки, газетхонлар истаги инобатга олинади.

Норматг ТОҒА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Шу кунларда Тошкент шаҳридаги серқатнов кўчаларда, метро бекатларида, умуман, одамлар гавжум жойларда яқка тартибда турли номдаги рўзнома ва бошқа матбуот нашрларини сотувчилар кўпайиб қолди. Рўпара келишигиз билан овоз чиқариб ўз молини — рўзномалардаги шов-шувли мақолалар, ҳафталик телекўрсатув дастурлари, одамзод тақдир билан боғлиқ таъбирномаларни пуллаётган ҳождатбарорлар хизматини ҳар ким ўзича баҳолашди.

Улар орасида иложи борича харидорни шиллиб, оврупога хос бўлган беҳаё суратли нашр билан савдо қилувчиларнинг ҳам борлиги таассуф уйғотади.

Ўз мулоҳазаларимга жавоб топиш мақсадида пойтахтимиздаги янгича савдо билан машғул бўлганларни сўзбтага чорлайман. Метронинг «Мустиқлик майдони» бекатидан чиқишда ёши 50 ларга бориб қолган, сочларига оқ оралаган Марина исми аёл билан мулоқотда бўлдим. Ўз ишининг ҳавосини олган сўзбтадошим анчадан буён газета сотаётгани, бу билан муҳарририятларга фойда келтираётгани ва ниҳоят, ўзи ҳам яхшиликка даромад қилаётганидан мамнун экан. Угли ва қизи ҳам шу юмуш билан машғул. Ҳождатбарор аёл тиривчилиги гамида эрталабдан кечки 21-22 ларгача савдо қилишни, агар газеталар ўтмай қолса, шамба ва яқшанба кунлари ҳам ишлашни айтди.

— Орамизда рақобат кучли, — дейди Марина.— Тахририятлардан рўзномаларни олиб, зудлик билан савдо учун кулайроқ жой топишга интиламиз. Реклама ишлари билан шугулланувчи «Арча» фирмаси бизга олди-сотди соҳасида ёрдам беради.

Ундан ўзининг ҳам газета ўқиб турасими деб сўраганимда, баъзида ўқийман, дея ланжроқ жавоб берди.

Кейинги сўзбтадошим 13 ёшли Вадим бўлди. У метронинг «Чилонзор» бекатида югуриб-елиб газета пуллаяпти.

— Газета сотишга қизиқиб қолдим ва бунга ота-онам ҳам қаршилик қилишмайди, — дейди ўсмир.— топган пулимга истаган нарсамни оламан. Орта-



нини ота-онамга бераман. Бўш вақтим йўқ.

«Марказий хивбон» бекатида тушиш йўлида 65-70 ёшлар чамасидаги онахон билан сўзбтанимиз бироз қўзишди. У неғадир исмининг айтишни истамади.

— Нафақа оламан. Онлиамизга ёрдам бўлади деган мақсадда мана шу иш билан шугулланаман. Ўғлим кўмаклашади. Асосан ўрнча газеталарни сотаман. Харидорлар кўпроқ «Поле чудес», «Спид-инфо», «БВВ», «Аргументи н факти», «Восточные вести» каби газеталарни олишади. Ҳафталик телекўрсатув дастури ва таъбирномалар бор бўлган нашрлар танқис. Нимагадир ўзбекистонга газет ва журналлар давлат дўконларига чиқариладими, кўпича ўтмай қолади. Агар уларни ҳам бизга сотишга беришса, муҳарририятлар

ҳисобига мўмай даромад тушган бўларди.

Олой бозорига қираверишда аравачага ҳар хил ўрнча газеталарни тахлаб қўйган 15 ёшли ўсмир (у ҳам исми-шарфини айтмади) анча гапдон чиқиб қолди. Муддаомни байтақ, «Газетада ишлаш-сизми, олиб келинг сотиб бераман, шarti шуки — тушган пул фақат тенг шерикчиликка», дея саволларимга бурро жавоб бера бошлади.

— Авваллари ҳеч пулга ёлчмасдим. Бекорчи вақт кўп бўларди. Мана энди фақат фойдали иш билан бандман. Кўпчилик шаҳоний расмилар нашрларга қизиқшади. Нархини суриштирмасдан олишаверади. Ўзбек тилидаги рўзномаларнинг фақат теледастури борини сўрашади...

Ўз навбатида харидорлар билан ҳам гаплашиш истаги туғилди. Биринчи сўзбтадошим талаба қизлар бўлиши.

— Негадир ўзбек тилидаги рўзномаларнинг баъзигани ишончимиз келмайди, — дея бепарво жавоб беринди улар. — Шунинг учун ҳам ўрнча газеталарни кўпроқ ўқиймиз.

Сўзбтадошимнинг хатто айрим ўзбек тилидаги рўзномаларнинг номини ҳам айта олинмади. Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Тоҳир Абдусаметов ўз фикрларини қўйдагича ихроф қилди:

— Газета тарқатишнинг бу тури билан мустикал шугулланувчилар муҳарририятларга қанчалик фойда келтиришяпти, — билмадим-у, ammo мейхозлаган пайтида уларнинг қўлидан рўзномалар харид қилишим мумкин. Менимча, ўзбекча нашрларни ҳам яқка тартибда савдога чиқариш керак. Шундай қилинганда дўконларда туриб қолмайди...

Рўзнома сотувчи ва харидорларнинг фикри ана шундай. Мен уларни қораламоқчи ёки оқламоқчи ҳам эмасман. Иқтисодий бўҳрон кўпчилигини қандай бўлмасин пул топишга мажбур қилмоқда. Фақат қиёта ҳақиқатини — пул, молу дунё билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мезонлар, қадриятлар ҳам борлигини унутиб қўймасак бас! Ҳўш, сиз бунга нима дейсиз?

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

• Хориждаги ватандошлар ҳаётидан

Туркияда истиқомат қилувчи ватандошимиз Алижон Орифхон 2 ёшлигида ватанини тарк этиб, 80 йил дунёнинг ўндан ортқ мамлакатларида ўз бахтини излаган. У ҳаёрада бўлмасин отамаконидан кўнгил узолмай, унда юз бераётган ўзгаришларга бепарқ қарамади. Узоқ вақт ҳукм сурган мустабид сийёсат ўртадаги муносабатнинг ривожига йўл бермай келди. Бир миллатни иккига бўлиб, бирини оқ, бирини қора қилиб кўрсатган қизил империя ўз-ўзидан парчала-ниб кетди. Энди биз ўзлимизни англаб етмоқдамиз.

— Қўқоннинг Оврат маскид маҳалласидаги Мисгарлик гузариди 1929 йили таваллуд топганман, — дея ўз ҳикоясини узоқдан бошлади Алижон ака. — Биз ватандан қочиб кетган эмасмиз. У замоннинг оғир кечмиши, ноҳақлик бизни юртдан бош олиб кетишга мажбур қилган. 1931 йилда отам, онам ва уч акам билан ватанини тарк этганмиз. Гўдаклик чоғида туғилган юртдан жудо бўлганман.

Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида яшайга тўғри келди. У ердаги мактабга қатнаб, форс тилида ўқий бошладим. Уша даврда мавжуд бўлган афғон миллатчилиги бизнинг олий таҳсил олишимизга йўл бермади. 63 ёшда отам Афғонистон тупроғида рыхлатга кетди. 1946 йили Маъруфжон ака билан Саудия Арабистони орқали Туркияга ўтдик. Бу ерда 5 йил мобайнида турк гимназиясида ўқидим. 1951 йили Мюнхендаги политехника академиясига ўқишга кирдим.

— Шу ерда ўз-ўзидан савол туғилади. Сиз ўзбек бўла туриб, форс ва турк тилларида ўқигансиз, сўнг немис тилида олий маълумот олишга чоғланишинг ўзи бўладими?

— Тўғри афғондир. Инсон бирор нимага мажбур бўлса, уни тўла эгаллайди. Буйда ташқари, ҳар бир шахсда бирор нарсага қизиқиш бўлиши даркор. Агар хоҳиш бўлмаса, узоққа бориш ҳам амри маҳол. Уша кезде ўз юрти-ни тарк этган жами ватандошларим ана шу ҳолатда кун кечир-ишган.

— Мюнхенда қайси мутахассислик бўйича билим олдингиз?

— Машина муҳандис бўлмоқликни оруз этдим, ўқишга Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган Матруфжон акам йўлаганиди. У менга ҳар томонлама ёрдам бериб турарди. Ўқиб чоғида чет эллик талабаларга бошчилик қилганман. Улар орасида Туркия, Миср, Италиядан келган тенгдошларим бор эди. Ўқишни тугаллаб, Саудия Арабистонида борганимда ишларим ҳадеганда юришмади. Рости, у ерда каминани унчалик хуш қабул қилишмади. Бунга қозғозлик имкон бермасди. Қўлимдаги бошпирта биноан афғон фуқаросиман. Шу боис чет мамлакатда фақат уч ой туриш ҳуқуқи бор. Муҳлатни яна чўздириш ёки тарк этиш лозим. Хуллас, Мюнхенга қайтиб, бир ширкатда ишлаш бошладим. Шу орада «Америка овози» радиоси очилиб, мени ишга таклиф этишди. Икки йилча у ерда суҳандон ва шарҳловчи бўлиб хизмат қилдим.

— Радиодаги фаолиятингиз узоқ давом этдими?

— Йўқ. 1959 йили моддий қийинчиликлар боис «Америка овози» фаолиятини тўхтатди. Аммо АҚШ ҳукумати, агар истасак Америкага бориб ишмизини давом эттиришни таклиф этди. Шу йўл билан бир мажоралд мамлакатга чиқишга тўғри келди. Ҳа, Америка Қўшма Штатлари мажоралар юртидир. Аммо биз мажоралараст бўлиб кетмадик. Бахтимизни излаб бордик, холос. Хусан Икром билан бир кемада жўнадик.

Анча вақтдан бери АҚШда паноҳ топган Эргаш Шермат ва Рўзи Назар кутиб олишди. Эргаш ака билан Мюнхенда танишган эдик. Бизни Вашингтонга олиб кетишди. Бир ҳафта мобайнида шаҳар билан, у ердаги муҳожир ватандошлар билан яқиндан таништиришди. Сўнг бир ўзим Чикагога кетдим.

— Нега?

— Бирор юмуш билан шуғулланишни кўнглимга тутиб қўйганим шундай йўл тутишга ўлади. Ўз соҳамда иш қидира бошладим. Уша кезде Қўшма Штатларда ишсизлик масаласи ўта кучли эди. Кимки ўзини муҳандис деса, уни кўчага улоқтиришдан ҳам тойинмасди. Шундай бўлгач, мен 12 йиллик бир мактабни битирганман дея ишга жойлашдим. Уч йил

шини ҳар қадамда англаб етиш қийин эмас. Шу боис ўз ишини пухта билган кўпчилик ватандошларимиз тез орада моддий томондан мустақил бўлиб олишарди. Мен ҳам қаерда ишламайин, яхши ҳақ олдим. Хизматимга яраша ҳурмат ва эътиборга лойиқ кўришди. Ҳозирги кунда нафақа-хўрман. Америка ҳукуматидан 1000 доллар нафақа оламан.

— Агар Ўзбекистонда сизга бирон бир қўшма корхона очиб таклифи бўлса, унга қандай қарайсиз?

— Ватанимга қўлимдан келган мададди бериш азалий орузим. Хизматим туғилган юртимга асқотса, бошим кўкларга етади.

Агар шундай имкон туғилса, албатта нефтни қайта ишлаб берувчи корхона бунёд этишга бўлардим. Бу ерда катта ҳажмдаги нефть захиралари мавжуд. Эшитишимга қараганда Олтириқда нефтни қайта ишлайдиган заводлар бор. Афсуски у ерда бора олмадим. Ҳозирча у ерда нефть қай даражада қайта ишланшидан бехабаримиз. Қўшма Штатларда бу

бўлганимда экология масалалари билан шуғулланувчи олимлар ва бу соҳа мутасаддилари билан учрашишга тўғри келди. Улар ҳам жаҳонда энг тоза мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонга қизиқиш катталигини тан олишди. Демак, имкониётни бой бермаслик зарур. Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратишни лозим кўрадим. Мен ўзбек наслига мансуб бўлган мўллатдошларимнинг японлар каби ишлашини истайман. Бир кунда японлар 16 соат тинмай меҳнат қилишаркан. Биз 16 соат бўлмаса ҳам 14 соат ишласак, кўзланган мақсадга эришиш йўли осон кўчади. Ишлаш ва яна ишлаш керак. Ялқовлик миллатимизга ёт нарса-ку! Аммо айрим ватандошларимиздаги лоқайдликни кўриб, бир оз афсусландим. Шунда англадимки, узоқ ҳукмрон бўлган қиял тузум мўллатдошларимизни ҳар томонлама бепарқ қилиб қўйибди. Имомни қомилки, бу ўткинчи ҳол. Халқимиз истиқлол ва истиқбол йўлини таллаган экан, ундан дадил боришга қодир.

— Юқориди уч акангиз хусусида фикр юртган эдингиз. Кейинчалик уларнинг ҳаёти қандай кечди?

— Катта акам Абдуллажон ҳозир ҳаётлар. 96 ёшда. Туркияда истиқомат қилади. Тез-тез учрашиб тураемиз. Анча ўзига тузук яшайди. Болалари ўз кунини ўзлари кўриб юришибди. Маъруфжон акам, худо раҳмат қилгай, 76 ёшда Саудия Арабистонида қамоқ қилган. Абдуваҳоб акамиз 72 ёшда Америка Қўшма Штатларида бандликни бажо келтирган. Хуллас, тупроғимиз шундай тузилган экан. Дунёнинг турли бурчакларига сочилиб кетдик. Наҳора, ота васиятини бажариш менга насиб этди. Акаларим отамаконга қайта қадам қўя олмай доғда қолишган. Бу ҳақда улар кўп нолишарди. Ўзбек тупроғини оламдан ўтган жигарларим қабрига қўйиш ниятидаман. Абдуллажон акамга бўлса отамаконнинг иссиқ нафасини етказишни катта бахт деб биламан. Ҳозирги кунда авлодларим турли мамлакатларда ўз насбасини териб юргани юракка бир оз таскин беради. Улар қабридаги ватанга бўлган муҳаббат, айрилиқ азоби ҳеч қачон йўқолмаса керак.

— Фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз...

— Бир ўғлим ва бир қизим бор. Қизимнинг исми Филлис. Эски туркчамазда Филлис дегани — очилмаган гул, гўнча маъносини беради. Ўғлимнинг исми Уқтой. У шу қадар тезки, бамисоли ўққа ўхшаган той! Филлис бир дорилфунунни тугатиб, бошқа дорилфунуннинг аспирантурасида таҳсил олмақда. У Туркистон тарихи билан шуғулланаётир. Чўлпон ҳаёти ва ижодида оид китоблар олиб келишимни тайинлаган. Ўғлим Истанбул дорилфунунинда иқтисод бўйича иккинчи йил таълим оляпти.

— Улар қайси тилларни билишади?

— Қизим инглиз тилини она тилидек билади. Туркча ўқиган. Ўзбек тилида равон сўзлайди. Ўғлим дорилфунунда инглиз тилида ўқийди. Чунки у Америкада туғилиб, ўша ерда ўрта мактабда таълим олган. Ўз-ўзидан туркча ва ўзбекчани ҳам яхши билади.

Алижон ШЕРМАТ, Ислам УСМОНОВ



ўтгач, муҳандислар бажарадиган юмушни таклиф қилишди. Тез орада маошим анча кўпайиб, ишларим бироз юришандек бўлди. Бу ерда бензин оқизладиган қувурларнинг иссиқликка чидамчилигини аниқлаш бўйича изландим. Тез орада Калифорния штатининг Лос-Анжелос шаҳрида ўзимга мос бир иш чиқиб қолди. Соҳам бўйича кенроқ фаолият кўрсатиш имкони туғилди.

Янги жойда лойиҳачи-муҳандис бўлиб хизмат қила бошладим. Ширкат хўжайинлари иш билан Германияга йўлашди. 1973 йили Саудия Арабистонига бордим. Яна нефть соҳасида хизмат қила бошладим. 1975 йили такорр АҚШга қайтдим, 1978 йилдан эътиборан икки йил мобайнида Эроннинг Ободон, Зарқўшт, Гарчасарон шаҳарларининг нефтини қайта ишловчи заводларида фаолият кўрсатдим. Сўнг яна Германияда, Саудия Арабистонида ишлашга тўғри келди. 1979 йили ширкат Туркияга юборди. 24 йилдан сўнг Туркияга келиб, кўмирдан электр қуввати олувчи станциялар қурилишида ишлаш бошладим. Уч йил ўтгач, АҚШга қайриб қолишди. Уша кезде ширкат ўз фаолиятини кенгайтираётгани боис, Танландга боришимни таклиф этишди. Аммо рози бўлмадим ва Туркияга қайтаришларини сўрадим.

— Қарийб 30 йиллик меҳнатингиз фирма маъмурияти томонидан қандай тақдирланди?

— Тан олиш лозимки, чет эл фирмаларида меҳнат яхши ҳақ тўланади. У ерда қобилиятли инсонлар хизмати юқори баҳолана-

соҳада катта тажриба тўпланган. Каминга эса нефть компанияларида кўп йил ишлаган. Бу борада олинган тажрибамни ҳур Ўзбекистонда қўллаш мақсадим бор. Бирор ширкат очиб, ҳамкорликда иш юритиш ҳар икки томон учун бағоят фойдали эканлигини яхши биламиз.

— Сафар чоғи қайси шаҳарларда бўлишга тўғри келди?

— Энг авало, таваллуд топган заминни зиёрат қилдик. Аждодларимиз ўтган тупроқни кўзга сурдик. Оламдан ўтганлар руҳини шод айлади. Бир неча кун ўз элимизда бўлиш узоқ айрилиқ азобиини унуттишга ўлади. Фарғонага сайр қилдик. Андижонда бўлишга тўғри келди. Самарқанд ва Бухоро сафари отаоналаримиз ҳикоя қилган гўзал диёр хусусидаги тасавурларимни янада бойитди.

— Сиз кўп йиллик тажрибага эга бўлган мамлакат муҳандиссиз. Хорижий мамлакатларда иқтисодий ривожланиш омиллари билан яқиндан танишсиз. Айтингчи, бугунги Ўзбекистонда юз бераётган иқтисодий бўҳрондан чиқишни қандай йўллари мавжуд?

—Хабарим бор, мураккаб даврн бошдан кечирмоқдасизлар. Ундан қутулиш мумкин. Бунга бир неча йўл билан эришса бўлади. Бу борадаги шахсий фикрим шундан иборатки, энг авало ер ости бойликларидан тўғри фойдаланиш лозим. Иккинчидан, дунё сайёҳларини бу ерда тортмоқ даркор. Уларга ўта маданиятли хизмат кўрсатмоқ керак. Тошкентда

